1 курс

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 892
"У" 10 2019

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «17» августа даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	***5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий тасифи**	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.2.	*5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	4
2.	***5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти*** **таълим йўналиши бўйнча бакалаврлариинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**.....	7
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	7
2.2.	*5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.....	7
3.	***5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладнган умумий талаблар**.....	10
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	10
3.2	Малака амалиётига қўйиладиган талаблар.....	12
3.3.	*5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	13

1. *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* бакалавриат таълим йўналишииииг умумнй таснифи

5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унииг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва унга мувофиқ мос малака (даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1- жадвал

Ўқув режа ва фан дастурииинг муддати ва уига мувофиқ малака даражаси

Ўқув режа ва фан дастурининг иоми	Малака (даража)	Таълим дастуриин ўзлаштиришннг меъёрий муддати
Бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятлариниг таснифи

1.2.1. *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* таълим йўиалиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти бакалавриат таълим йўналиши – гуманитар фанлар соҳасидаги йўналиш бўлиб, таржимашунослик, лингвистика, адабиётшуносликка оид тадқиқотлар ўтказиш, таржимашунослик истиқболини белгилаш, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган илмий ва таржимонлик соҳаларига доир усуллар, услубларни ишлаб чиқиш; умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ихтисослигига доир фанлар билан бир қаторда ўзбек ва инглиз тилларини ўқитиш; корхоналарда таржима бўйича хизмат кўрсатиш, оммавий ахборот воситаларида таржимонлик ва муҳаррирлик килиш, давлат бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар, турли давлат ва нодавлат муассасалари, жумладан, туризм билан боғлиқ муассасаларда таржима тизимини ташкиллаштириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.2. *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* таълим йўналнши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларнинг объектлари:

– ўзбек тилидан инглиз тилига таржима материаллари: бадиий, публицистик, илмий, оммабоп; ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарлари; аутентик ва семиаутентик ўқув материаллари; ўзбек ва инглиз тилларидаги функционал услуб; ўзбек ва инглиз тиллари луғат қатламиининг стилистик фарқланиши; таълим жараёнидаги меъёрий ҳужжатлар, педагогик технологиялар, таълимнинг техникавий воситаларини ўрганиш, тил ўкитиш методикаси, жаҳон адабиётидаги мумтоз ва замонавий асарлар, таржима учун қўлланадиган электрон дастурлар, синхрон таржима ва маданиятлараро мулоқот масалалари.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

***5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– таржиманинг турлари бўйича назарий билимга эга бўлиш;

– таржимашуносликда мавжуд муаммолар бўйича илмий қарашларни таҳлил қила билиш;

– турли соҳаларга оид терминологик луғатлар тузиш ва уларни аппробациядан ўтказиш;

– таржимадаги асосий усулларни, таржима сифатини баҳолаш мезонларини билиш;

– таржимашуносликнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;

– турли жанрларга мансуб асарларни таржима килиш ва уларга алокадор муаммоларни таҳлил қилиш;

– таржима соҳасида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш;

– ўзбек тилидан инглиз тилига ва инглиз тилидан ўзбек тилига турли матн ва нутқларни оғзаки ва ёзма шаклда, тўғри ва сифатли таржима қила олиш;

– расмий ва иш юритиш ҳужжатларини моҳирона ёзма таржима қила олиш;

– ўзбек тилининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини ривожлантириш, ўзбек тили асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик

ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш;

– ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садокат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсон бўлиш;

– бадиий таржима қилиш, таржима матнларини бадиий ва лингвопоэтик таҳлил қилишга оид назарий билимларни ўзлаштириш;

– таржима ишини ташкил қилиш ва турли нашриётлар, таржима уюшмалари билан ҳамкорлик қила олиш;

– бадиий таржима тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш методларини эгаллаш, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил фикрлаш ва керакли қарорлар қабул қила олиш;

– синхрон таржима усулларини эгаллаш;

– маданиятлараро мулоқотда таржиманинг миллий-маданий хусусиятларини тўғри акс эттириш;

– турли муассасаларда турист йўлбошловчиси, ҳаво йўлларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш;

– компьютер технологиялари ва соҳага оид дастурлаш имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш юрита олиш;

– соҳага оид дастурий таъминот, ахборот-коммуникацион технологияларни мукаммал ўзлаштириш;

– соҳанинг умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўрни ва ролини англай билиш;

– табиат ва жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, табиат ва жамият ривожланиши ҳақида билимларга эга бўлиш, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиш;

– инсонлар орасидаги жамиятга, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятда ҳисобга ола билиш;

– соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан бақувват бўлиш учун спорт билан шуғулланиб бориш заруратини ҳис қилиш, ўзини жисмонан такомиллаштириш;

– бакалавриатнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш.

1.2.3. *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- таржимонлик;
- таржимонлик ва муҳаррирлик (оммавий ахборот воситаларида);
- ташкилий–бошқарув;
- хизмат кўрсатиш;
- илмий-тадқиқот;
- тил ўқитиш методикаси ва педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);
- маънавий-маърифий.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўкитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

– *5A120201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (ўзбек-инглиз тиллари бўйича)*;
– *5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили);*
– *5A120102 – Лингвистика (инглиз тили).*

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;
- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари:

Таржимоилик фаолиятида:

– таржима ишини ташкил қилиш;

– таржимонга қўйиладиган талаблар, таржимоннинг ҳуқуқ ва бурчлари билан танишган бўлиш;

– таржима воситалари, электрон ресурслардан фойдалана олиш;

– таржима назариясини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– ўзбек тилидан инглиз тилига ва аксинча, инглиз тилидан ўзбек тилига турли матнларни, бадиий асарни эркин таржима қила олиш;

– ўзбек замонавий ва мумтоз адабиёти намуналарини бевосита инглиз тилига таржима қилиш;

– таржималарни таҳрир қила олиш ва танқидий мақолалар ёза олиш;

– таржимадаги адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан ёндошувларни фарқлай билиш;

– таржима методларини билиш ва уларни амалиётда қўллаш;

– оғзаки ва ёзма таржима услубларини фарқлай олиш;

– халқаро конференцияларда синхрон, визуал, кетма-кет таржима қила олиш каби қобилиятларга эга бўлиш;

– ўргатилаётган тилларни жадаллашган усулда ўргатиш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

Таржимоилик ва муҳаррирлик фаолиятида (оммавий ахборот воситаларида):

– телевидение ва радиода тезкор ахборот, бадиий ва илмий-оммабоп аудио ва видео материалларни таржима қила олиш;

– матбуот, радио, телевидение, киностудияларда инглизча матнларни ўзбек тилига ва ўзбекча матнларни инглиз тилига таржима қила олиш;

– матнларни таҳрир қилиш;

– инглиз тилидаги газета, журналларда таржимон, муҳаррир ва адабий ходим сифатида фаолият юритиш;

– телевидениеда инглиз тилидаги кўрсатувларнинг бошловчиси фаолиятини амалга ошириш;

– радиода инглиз тилидаги эшиттиришларни олиб борувчи сухандонлик қилиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– маориф, маданият, туризм соҳаларида таржимонлик фаолиятини ташкил қилиш;

– таржиманинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– таржима ва таълим жараёнида сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш;

– таржима ва таълим жараёнларининг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган технологияларни режалаштириш;

– ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– турли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бошқарув қарорларини қабул қилиш;

– таълим жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

Хизмат кўрсатиш фаолиятида:

– турли муассаларда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– таржима бюроларида турли ҳужжатларни таржима қилиш;
– турли фирмаларда таржимонлик қилиш;
– туристларга йўлбошловчилик қилиш;
– ҳаво йўлларида сервис ходими сифатида фаолият юритиш;
– меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш;
– хорижий делегацияларга таржимонлик хизмати кўрсатиш;
– таржима дастурларини ишлаб чиқиш;
– интернет тармоғи орқали таржима хизматларини йўлга қўйиш;
– таржимонлик фаолиятида касбий этика кодексига риоя қилиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– таржимашунослик соҳасида республика ва хорижда амалга оширилган тадқиқотларни ўрганиш, тизимли таҳлил қилиш, муносабат билдириш;
– илмий маълумотларни жамлаш, саралаш, улардан илмий этика асосида фойдаланиш;
– интернет тармоғида соҳага оид янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни қидириб топиш ва улардан мақсадли фойдаланиш;
– ўзбек тилидан инглиз тилига ва аксинча, инглиз тилидан ўзбек тилига соҳага оид илмий асар, мақола ва тезисларни таржима қилиш;
– илмий мақола, тезис, маъруза ва тақдимотлар тайёрлаш;
– илмий анжуман ва семинарларда маъруза билан иштирок этиш;
– илмий изланиш олиб бориш, тадқиқот натижалари ва ишланмаларини амалиётга жорий этиш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

Тил ўқитиш методикаси ва педагогик фаолиятда:

– ўзбек ва инглиз тиллари ўқитиш методикасининг мақсади, вазифалари, предмети ва методик тушунчаларни билиш;
– ўзбек ва инглиз тилларини ўқитиш жараёнида замонавий методларни қўллаш;
– тил ўрганувчиларга тил материали (талаффуз, лексика, грамматика)ни ўзлаштириш методикасини тушунтира олиш;
– ўзбек ва инглиз тилларида нутқ фаолияти турларини тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакаларини ўргатиш;
– тил материали бўйича нутқ кўникмаларини шакллантириш;
– ўқув жараёнини ташкил этиш, дарс режасини тузиш, тил ўрганувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш;
– электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;
– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;
– мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

Маънавий-маърифий фаолиятда:

– "Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи" ташкилоти ва маҳаллаларда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбатлар ўтказиш;
– ўзбек тили ва адабиёти намуналарини кенг жамоатчилик доирасида тарғиб этиш;
– Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳаларда фойдаланишни ташкиллаштириш;

– умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби фазилатларни очиб бериш ***қобилиятига эга бўлиши лозим***.

3. *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар ҳамда иш берувчилар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва кархоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фаилари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гумаиитар ва табиий-илмий фаилар блоки бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

Табиий-илмий фанлар бўйича

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда ахборот-коммуникацион технологиялар, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойилларини;

мамлакат географик жойлашувининг миллат шаклланишига, глобализация ва унинг дунё маданиятлар харитасига кўрсатган таъсири ҳақида билимга эга бўлиши;

Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўртасида тафовутлар ва кесишиш нуқталари, Ўзбекистон ва инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар маданий ландшафтларининг ўзига хос жиҳатларини билиши;

Ўзбекистон ва инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар анъаналари ва миллий маданиятларини киёсий ўрганиш малакасига эга бўлиши;

автоматик таржима дастурлари билан ишлаши;

замонавий экологик муаммолар, табиий ресурслар, барқарор ривожланиш, экологик таълим, онг ва маданият тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

компьютер технологияларидан фойдаланиб экологик ҳолатни таҳлил қила олиш ва баҳолай олиши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки бўйича:

–фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

–таълим йўналишига мувофик касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

–инглиз тилидаги кенг қамровли матнлар, кенг кўламдаги идиоматик иборалар, оғзаки нутқ намуналари, оммавий эълонлар, теледастур ва фильмлар, соҳага оид маърузалар ва баҳс-мунозараларни тинглаб тушуниши;

–шахслараро мулокот ва суҳбатлар, оммавий мунозара ва расмий муҳокамалар, ўз фикрини асосланган тарзда ифода этиш ва хулоса чиқариш кўникмасига эга бўлиши;

–инглиз тилидаги бадиий, илмий-оммабоп асарлар, газета ва журналлардаги матнларни талаффуз меъёрларига монанд ифодали ўқий олиши;

–инглиз тилида расмий ҳужжатлар, сўровномалар, мутахассисликка доир хатлар, резюме, иншо, баён ва эсселар ёзиш малакасига эга бўлиши;

–инглиз тили илмий услубини эгаллаган бўлиши, мақола, тезис, тақриз ва маърузалар ёза олиши;

–ўзбек тилидан инглиз тилига ва аксинча, инглиз тилидан ўзбек тилига суҳбат, нутк ва маърузаларни оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиш кўникмаларига эга бўлиши;

–таржима назарияси, таржима турлари, таржиманинг лексик-грамматик, фразеологик, стилистик ва прагматик муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

–таржима ишини ташкил қилиши, нашриётлар ва бадиий асар муаллифлари, газета ва журналлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши;

–таржимашуносликда пайдо бўлган қарашлар ва муаммоларни таҳлил қилиши;

–ёзма ва оғзаки таржиманинг асосий усулларидан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

–таржима материалларини таҳлил қилиши, таржимани қабул қилинган таржима қилиш методикаси қоидаларига тўғри келишини баҳолаши;

–тилшуносликнинг асосий назариялари, тилнинг ижтимоий табиати ва вазифалари, тилларнинг генеалогик ва типологик таснифи тил ва нутқ масалалари, тил ва жамият муносабатларини билиши;

–ўзбек адабий тилининг оғзаки ва ёзма шакллари, унинг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатлари, талаффуз ва тўғри ёзиш қоидаларини ўзлаштирган бўлиши;

–ўзбек адабиётини ўрганишнинг методологик асослари ва уни даврлаштириш тамойиллари, мумтоз адабиёт жанрлари поэтикаси, бадиий санъатларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва мумтоз шеъриятда қўлланиш усулларини билиши;

–жаҳон адабиёти намуналарини билиши, уларни таржима қилиши, адабий йўналишларни таҳлил килиши ва улар ҳақида хулосалар чиқариши;

–маданиятлараро мулокотни самарали амалга оширишда маданиятлараро салоҳиятга эга бўлиши, миллий-маданий хусусиятларни маънавий қадриятлар, тил, дискурсив,

хулқий-ахлоқий жиҳатдан аниқлашда маданиятлараро ўлчовларга риоя қилиши, маданиятлараро тўқнашувларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиши;

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

–кўп тилли халқаро конференцияларда синхрон таржимонларга қўйиладиган талаблар, таржимон техникаси, стратегиясини билиши;

–таржимонга зарур тадқиқот кўникмаларини ривожлантириш техникасини эгаллаши;

–манба тил ва таржима тили фонологияси, лексикологияси ва турли услубларининг қиёсий-чоғиштирма таҳлил қилиши;

–корпус таржимашунослигининг асосий тамойиллари, миллий корпус, икки тилли параллел корпуслардан фойдаланиш билими, малакаси ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

–Университет ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.

Қўшимча фанлар блоки бўйича:

бакалавр таълим соҳасидаги талабаларнинг бакалавриат умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуктаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. Малака амалиётига қўйиладиган талаблар

Малака амалиётида:

талабалар амалиёт ўташи режалаштирилган нашриёт ёки оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, таржимонлик уюшмалари ҳамда улар таркибидаги бўлимлар билан танишадилар.

Бадиий таржима учун аслият материалларини қабул қилиш, таржима ҳамда таҳрир амалиёти билан тўлиқ танишиб, нашриёт ёки таҳририят томонидан белгиланган раҳбар тавсияси билан муайян топшириқларни бажарадилар. Материалларни тақризлаш малакасига эга бўладилар. Уларда корректура, тузатиш белгиларидан фойдаланиб, матнни таҳрир қила олиш малакаси шаклланади.

Умуман, талабалар бу жараёнда бадиий, илмий-оммабоп материал таржимасини эълон қилишга тайёрлашнинг барча босқичлари билан тўлиқ танишадилар. Бадиий ва илмий-оммабоп фильмларни таржима қилиш жараёнида иштирок этадилар. Синхрон таржима бўйича ўз малакаларини амалда қўллаш имкониятига эга бўладилар. Бажарган ишлари бўйича амалиёт кундалигини мунтазам равишда тўлдириб борадилар. Шунингдек, таҳририят ёки нашриётнинг оммавий тадбирларини ташкил этишда ва ўтказишда фаол иштирок этадилар.

Педагогик амалиётда:

аввало, талабалар кириш анжуманида иштирок этадилар ҳамда таълим тизими билан танишадилар, улар педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб

оладилар. Шунингдек, дарс кузатиш ва таҳлил қилиш йўллари, ўқувчи ва талабаларнинг жисмоний, руҳий ҳамда ақлий тараққиётига доир маълумотларни тўплаш, тизимга солиш, таҳлил қилиш билан шуғулланадилар. Белгиланган синф ва курсларда тегишли фанлардан дарс ўтадилар ва унинг таҳлилида иштирок этадилар. Бир нафар ўқувчи ёки талабага атрофлича тавсифнома ёзадилар.

3.3. *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Назарий ва амалий таълим	123 ҳафта
Малака амалиётлари	24 ҳафта
Битирув малакавий иши ёки давлат аттестацияси	6 ҳафта
Аттестациялар	20 ҳафта
Таътиллар	31 ҳафта
Жами	**204 ҳафта**

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим – 60,3 %;
аттестация – 9,8 %;
таътил – 15,2 %;
малака амалиёти – 11,8 %;
битирув малакавий иши – 2,9 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 4, 9 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми “Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти” билим соҳасига мувофик фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар 29,5 %;
умумкасбий фанлар 45,1 %;
ихтисослик фанлар 20,6 %;
қўшимча фанлар 4,8 %.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, интегралашган тил кўникмалари, бадиий таржима, таржимашунослик, синхрон таржима, лингвистика, таржима воситалари, таржима методлари, қиёсий грамматика, таржима назарияси ва амалиёти, ҳозирги ўзбек адабий тили, лисон, нутқ, меъёр, тил ва жамият, тил оилалари, тил гуруҳлари, умумевропа компетенциялари, таржиманинг прагматик муаммолари, араб ва форс тиллари, мумтоз адабиёт, адабий ёдгорликлар, миллий уйғониш, янги ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти, туркий халклар адабиёти, адабиётшунослик.

Илова

5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
1.00	**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар**	**1960**
1.01	Узбекистон тарихи	96
1.02	Узбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	96
1.03	Фалсафа	130
1.04	Диншунослик	62
1.05	Ўзбек (рус) тили	252
1.06	Хорижий тил (Иккинчи чет тили)	442
1.07	Филологлар учун математика	126
1.08	Экология	62
1.09	Машина таржимаси	130
1.10	Умумий психология	130
1.11	Умумий педагогика	184
1.12	Жисмоний тарбия ва гигиена*	64
	Танлов фанлари	*186*
2.00	**Умумкасбий фанлар**	**2998**
2.01	Интеграллашган инглиз тили	1426
2.02	Инглиз тилида илмий ва ижодий ёзиш маҳорати	192
2.03	Ҳозирги узбек адабий тили	314
2.04	Қиесий адабиётшунослик	122
2.05	Мутолаа маданияти ва ифодали ўқиш	64
2.06	Ўзбек ва жаҳон адабиети	252
2.07	Лексикография	130
2.08	Ўзбек ва инглиз тилларининг чоғиштирма грамматикаси	122
2.09	Тил ўқитиш методикаси	252
	Танлов фанлари	126
3.00	**Ихтисослик фанлари (Бадиий таржима курси)**	**1364**
3.01	Таржима назарияси ва амалиёти	410
3.02	Бадиий таржима асослари	314
3.03	Бадиий таржима танқиди	130
3.04	Терминлар таржимаси (Бадиий таржима)	194
3.05	Стилистика ва танқидий дискурс таҳлили (бадиий услуб)	130
	Танлов фанлари	*186*
3.00	**Ихтисослик фанлари (Илмий-техник матнлар таржимаси)**	**1364**
3.01	Таржима назарияси ва амалиети	410
3.01	Илмий-техник матилар таржимаси асослари	314
3.02	Соҳавий таржима асослари	130
3.03	Терминлар таржимаси (Илмий-техник таржима)	194
3.04	Стилистика ва танқидий дискурс таҳлили (Илмий-техник услуб)	130
	Танлов фанлари	*186*
3.00	**Ихтисослик фанлари (Синхрон таржима курси)**	**1364**
3.01	Таржима назарияси ва амалиети	410
3.01	Синхрон таржима асослари	314
3.02	Оғзаки таржима асослари	130
3.03	Терминлар таржимаси (Синхрон таржима)	194
3.04	Стилистика ва танқидий дискурс таҳлили (Оғзаки нутқ услуби)	130
	Танлов фанлари	*186*
4.00	**Қўшимча фанлар**	**320**
	Жами	**6642**
	Малакавий амалиёт	**1296**
	Битирув малакавий иши ёки ДА	**324**
	Аттестациялар	**1080**
	Жами	**2700**
	ҲАММАСИ	**9342**

Ўқув ишлари бўйича проректор **И.Азимов**

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчиси

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Раис_____ **С.Саййид**

2019 йил «25» 07

М.Ў.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ректор_____ **Ш.Сирожиддинов**

2019 йил «25» 07

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш таҳлилотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор_____ **З.Хакимов**

2019 йил «29» 07

М.Ў.

Ўзбекистои Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалавриат таълим йўиалиш учуи янгидаи яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадлар истеъмолчисииииг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладигаи умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5120900	Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти	**Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:** - таржимашуносликнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш; - турли жанрларга мансуб асарларни таржима қилиш ва уларга алоқадор муаммоларни таҳлил қилиш; - ўзбек тилидан инглиз тилига турли матн ва нутқларни оғзаки ва ёзма шаклда, тўғри ва сифатли таржима қилиш; - бадиий таржима ишларини ташкил этиш ва уларни амалга ошириш; - терминологик таржима ишлари ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш; - матнларни таҳрир қилиш; - ўзбек ва инглиз тилларида фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, оғзаки ва ёзма нутқини аргументланган ҳолда аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши; - ижодкорлик салоҳиятидан фойдаланишда янги ғояларни яратиш; - соҳага оид мақолалар ёза билиш; - барча турдаги хатларни ёза билиш; - барча турдаги маълумотларни ёза олиш; - соҳага оид адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш; - соҳага оид адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш; - турли илмий материалларга хулоса ёза олиш; - тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш; - соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маърузалар қила олиш; - халқаро конференцияларда синхрон, визуал ва кетма-кет таржима қила олиш; - амалиётда информацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот

			технологияларни қўллаш; - таржима дастурларини ишлаб чиқиш; - интернет тармоғи орқали таржима хизматларини йўлга қўйиш.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси **С.Саййид**

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
***5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* бакалавриат**
таълим йўналиши малака талабларининг ишлаб чиқувчилари
ва асосий кадрлар истеъмолчиси ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. "09" 07 2019 й.

Биз қуйида имзо қўювчилар – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С.Саййид ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқув ишлари бўйича проректори И.Азимовлар ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг профессор-ўқитувчилари билан биргаликда "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг классификатори"га мувофиқ *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилаётганлигини муҳокама қилиш ҳамда ушбу ишлаб чиқилган малака талабларининг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчиси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Ресиубликасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишниг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос хисобланади.

Ишлаб чиқилган *5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти* бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси **С.Саййнд**

Алишер Навоий номидаги Тошкеит давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқув ишлари бўйича проректори **И.Азимов**

Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналиши бўйича муассасалараро ўқув-услубий бирлашма йиғилишининг - сонли

БАЁННОМАСИ

"16" 08 2019 йил **Тошкент шаҳри**

Қатнашдилар: **Бирлашма раиси – Ш.С.Сирожиддинов**
